

* **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

* **САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

* **КАРИМОВ СУХРОБ КОМИЛОВИЧ**

* **Отларда асептик пододерматитларнинг этиологияси ва уни даволашни
такомиллаштириш.**

* **5А 440102 – Ветеринария жарроҳлик мутахассислиги**

* **Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган д и с с е р т а ц и я**

* **Илмий раҳбар: катта ўқитувчи**

М.Г.Каримов

*

* Республикамиз аҳолисининг чорвачилик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшироқ қондириш кўп жиҳатдан соҳанинг қорамолчилик тармоғини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга боғлиқ. Бугунги кунда жамиятимизнинг тубдан янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларнинг нечоғли самарали кечаётганлиги, қишлоқ ҳаётининг барча жавҳаларига фан янгиликларининг мукамал кириб бораётганлиги билан боғлиқлиги ўз исботини топмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ижтимоий таркиби тубдан ўзгарди ва бунда нодавлат тармоқнинг улуши 98 % дан ошди.

* - диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;

* Туёқ капсуласи, жуда мурт мустаҳкам капсуладан иборат, у бармоқларни кимёвий, физик, биологик факторлардан эҳтиёт қилади, уларнинг найсимон қисми иссиқлик ўтказиш вазифасини бажаради, шу туфайли туёқлар совуқ ва иссиққа чидамли бўлади.

* Туёқ капсуласи отларда 40% сувдан иборат, энг кам сув туёқ деворида 28,5%, товонда 45,6%, туёқ кўрсаткичида 48%, туёқ 12⁰ да 24 соат ичида 4% сув йўкотади, 10 кунда 12%, туёқларни қуриб қолиши уларни эгилувчанлиги йўқлигига ва массасини камайишига олиб келади. Туёқ капсуласи эпидермисининг ҳосила қисмидан пайдо бўлиб, отларда ҳар ойда 8 мм ўсади.

* - тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши; Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси клиникасида, институт виварийсида, Самарқанд вилояти Тайлоқ ва Ургут туманлари фермер ва шахсий хўжалигидаги кўпкорига қатнашадиган отлар ичида ўтказилди.

* Дастлаб вилоятимизнинг фермер ва шахсий хўжаликлардаги кўпкорига қатнашадиган отлар ичида пододерматит билан касалланиш даражаси ўрганилди. Ҳайвонлар орасида пододерматит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усулларини ишлаб чиқиш мақсадида режали хирургик диспансерлаш ўтказилди. Режали хирургик диспансерлаш йилнинг ҳар 6 ойида бир мартадан ёки йилига икки марта ўтказилди. Бунда пода синдроматикаси, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида ҳайвонларда пододерматит билан касалланиш даражаси, яъни яширин ва клиник касал ҳайвонлар миқдори аниқланди.

* - тадқиқот мақсади ва вазифалари; Отларда йирингсиз пододерматитларини учраш даражасини, этиологиясини, иқтисодий зарарини, диагностикасини ўрганиш ишнинг асосий мақсадини ташкил этади.

- * 1. Вилоятимиз купкорига катнашадиган отлар ичида йирингсиз пододерматитларини учраш даражасини улардан келиб чиқадиган иқтисодий зарарни ўрганиш.
- * 2. Кўпкорига катнашадиган отлар ичида йирингсиз пододерматитларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган этиологик омилларни ўрганиш.
- * 3. Кўпкорига катнашадиган отлар ичида йирингсиз пододерматитларини олдини олиш ва уни даволашни такомиллаштириш.

- * - тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;
- * Купкорига катнашадиган отлар ичида пододерматитнинг йирингсиз характердаги патологияси мунтазам текшириб турилди, тана ҳарорати ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича махсус ортопедик текширишлар ўтказилди. Резистентлик кўрсаткичлари морфологик ва биокимёвий усуллар ёрдамида ўрганилди.
- * Отлар ичида пододерматитнинг йирингсиз характердаги касалликларига эртачи диагноз қўйиш мақсадида ветеринария мутахассислари билан биргаликда хирургик диспансерлаш ўтказилиб, купкорига катнашадиган отлар ичида пододерматит билан касалланган отларнинг сони, касалликнинг тарқалиш даражаси аниқланди.
- * Тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони , периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула, қондаги гемоглобин миқдори , оксил ва оксил фракциялари аниқланди.

- * - тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; купкорига катнашадиган отлар ичида пододерматит жараёнларини текшириш натижалари туёқ касалликларини эртачи босқичларда аниқлашга имкон беради, олинган маълумотлар клиник ўқитиш жараёнида қўлланиши мумкин.
- * Текширишларнинг асосий натижалари 2014-2015 йилларда бўлиб ўтган СамҚХИ илмий ва халқаро конференциясида тақдим этилди.

- * - тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- * - Вилоятимиз туманлари чорвачилик фермер хўжаликлари ва аҳоли қарамоғида сақланаётган кўпкорига қатнашадиган отлар ичида йирингсиз пододерматитларни келтириб чиқарувчи ўзига хос минтақавий экологик хусусиятларга эга бўлган омиллар;
- * - Вилоятимиздаги кўпкорига қатнашадиган отлар ичида йирингсиз пододерматитларини учраш даражасини;
- * - Вилоятимиздаги кўпкорига қатнашадиган отлар ичида йирингсиз пододерматитларни келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган этиологик омиллар;
- * - Вилоятимиздаги кўпкорига қатнашадиган отлар ичида йирингсиз пододерматит касалликларини олдини олиш ва уни даволаш

* **Туёқ айланаси ва бармоқлар жароҳатлари.**

* Жароҳатлар кўпинча бошқа оёқнинг туёғи ёки тақаси таъсирида келиб чиқади. Отларда бу ҳолат ҳайвон оёғининг нотўғри қўйилишида, тақа туёқга мос келмаслигида, тақа михларининг учлари чиқиб турганда, ҳайвон чарчаганда, чуқур қорда ёки сирпанчиқ йўлда ҳаракатланганда кузатилади.

* Туёқ айланаси тўқимларининг жароҳатлари кўп ҳолларда қора кўтир остида асоратсиз битади. Туёқ айланаси тери асосининг чуқур жароҳатларида туёқ деворининг патологик ўсиши кузатилади. Шикастловчи омиллар қайта такрорланса жароҳат ўрнида яра ҳосил бўлади. Чуқур, ифлосланган жароҳатлар оқибатида бу соҳада флегмона, отларда эса юмшоқ товон тоғайининг некрози ривожланади.

* Айрим ҳолатларда жароҳатни қон оқишидан аниқлаш мумкин. Жароҳат бармоқнинг олд томонида жойлашса кучли оқсаш пайдо бўлади. Туёқ айланасидаги жароҳатлар кўпинча ифлосланганлиги сабабли 2–3 кунларда шиш пайдо бўлиб, жароҳатдан йиринг оқади.

* Барча бўлиши мумкин асоратларни ҳисобга олган ҳолда даволаш ишларини эртароқ бошлаш зарур. Биринчи навбатда туёқ яхшилаб тозаланади ва жароҳат атрофидаги жунлар олинади. Ифлосланган жароҳат антисептик эритмалар билан ювилади ва текширилади. Жароҳат канали тиғиз ва чуқур бўлса уни кесиб кенгайтириш лозим. Жароҳатдан пастроқдаги туёқ девори юпқалаштирилади. Тозаланган жароҳат юзасига мураккаб антисептик кукунлар сепилиб, устига боғлам қўйилади.

* **Отларда бармоқларнинг анатомо-топографияси ва туёқларнинг физиологик хусусиятлари .**

* Бармоқ шартли равишда биринчи ва иккинчи фалангалар соҳалари, учинчи фаланга соҳаси, туёқ кафти ва юмшоқ товон соҳаларига бўлинади.

* Биринчи ва иккинчи фалангалар соҳаси. Бармоқнинг бу соҳасида 7 қават тўқималар тафовут қилинади (1–расм).

* **Биринчи қават** – тери (1). Дорсал (олд) юзада тери чуқур жойлашган тўқималар (пай ва пайчалар) билан тарқоқ бирлашади. Воляр (орқа) юзада эса кафт суягининг пастки ва ўрта қисмларининг чегарасида (юмшоқ товон устида) тери бармоқ фасциясига мустаҳкам бирикади.

* **Иккинчи қават**– тери ости клетчаткаси. Бу қаватда муҳим қон томирлар ўтади. Хусусан, шохсимон туёқ жиякдан 12–16 мм юқорида ва унга параллел ҳолда туёқ айланасининг артерияси жойлашади. Бу артерия туёқ айланаси терисининг асосини қон билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

* **Учинчи қават** – юпқа юза фасция. У тушоқ бўғимигача бориб, тарқоқ тери ости қаватида йўқолади.

* **Тўртинчи қават** – фасция ости клетчаткаси. У юза фасцияни чуқур жойлашган тўқималар билан бирлаштиради.

* **Бешинчи қават**– бармоқнинг чуқур фасцияси. Билак фасциясининг давоми. У грифел суякларнинг четларига бирикиб, бармоқ соҳасига ўтади. Бу ерда чуқур фасция қон томирларни ва нервларни ўраб олади. Дорсал юзада у жуда юпқа бўлиб, бармоқни умумий (узун) ёзувчи пайи ва пайчалар билан бирлашиб кетади. Бармоқнинг воляр юзасида чуқур фасция ривожланган бўлиб, кесишган (бутсимон) пластинка кўринишидаги пайча билан кучайтирилган. Пайча иккала юқори ва иккала пастки оёқчалари билан кафт суягининг тегишли томонларига бирикиб, бармоқни буқувчи юза пайини ушлаб туради.

* **Отларда асептик пододерматитларни даволашни самарали усуллари**

Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси клиникасида, институт виварийсида, Самарқанд вилояти Тайлоқ ва Ургут туманлари фермер ва шахсий хўжалигидаги кўпкорига қатнашадиган отлар ичида ўтказилди.

- * Дастлаб вилоятимизнинг фермер ва шахсий хўжаликлардаги кўпкорига қатнашадиган отлар ичида пододерматит билан касалланиш даражаси ўрганилди. Ҳайвонлар орасида пододерматит касалликларини келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган омилларни ўрганиш ва ташхис усуллари ишлаб чиқиш мақсадида режали хирургик диспансерлаш ўтказилди. Режали хирургик диспансерлаш йилнинг ҳар 6 ойида бир мартадан ёки йилига икки марта ўтказилди. Бунда пода синдроматикаси, рацион таҳлили, клиник текширишлар, қон намуналарини лаборатор текширишлар ёрдамида ҳайвонларда пододерматит билан касалланиш даражаси, яъни яширин ва клиник касал ҳайвонлар миқдори аниқланди.

* **Қоннинг морфо- биокимёвий кўрсаткичлари.**

* Илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедраси клиникасида, институт виварийсида, Самарқанд вилояти Тайлоқ ва Ургут туманлари фермер ва шахсий хўжалигидаги кўпқорига қатнашадиган отлар ичида ўтказилди.

* Даволаш борасидаги илмий тадқиқот ишлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида, шифохонаси лабораториясида ўтказилди. Илмий тадқиқот тажрибалари хўжаликларда туёқнинг асептик пододерматит касаллиги билан касалланган 10 бош отларда олиб борилди. Улар 5 бошдан 2 гуруҳга биринчи назорат ва иккинчи тажриба гуруҳига ажратилди. Бунда биринчи назорат гуруҳ ҳайвонлари анъанавий усулларда, яъни туёқ илиқ 1 % ли калий перманганат эритмаси билан ювилди, ўлган тўқималар кесиб олиб ташланди ва дёготь ва балиқ ёғи (50:50 нисбатдаги аралашма) тампонга шимдирилиб маҳкам қилиб боғлам қўйилди.

- * Худди шундай ўзгаришлар α -глобулинларда ҳам кузатилиб, бунда уларнинг тажрибанинг 3-чи кунда 5,2 % га ва 15-чи кунга келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 10,5 % га кўпайганлиги қайд қилинди. Бу гуруҳдаги ҳайвонлар қонида β -глобулинлар сони ҳам тажриба охиригача сезиларли даражада камайиб борганлиги кузатилиб, бунда тажрибанинг 3 -чи кунда 4,7 % га ошган бўлса, 5-10 кунларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 4,8% га камайганлиги аниқланди.
- * Қондаги γ -глобулинлар миқдори ҳам шунга ўхшаш тажрибанинг 3-10 кунларида 12,0 % га , 15-чи кунга келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 8,0 % га камайганлиги намоён бўлди.
- * Анъанавий усулларда даволанган биринчи назорат гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оксил миқдори тажрибанинг 5-чи кунга келиб 10,0 % га , 10-чи кунда 4,0 % га, 15-чи кунда 1,4 % га кўпайганлиги кузатилди (3 – жадвал).

уткир 5– жадвал

Тажрибадаги биринчи назорат гуруҳ отларнинг қонидаги биокимёвий кўрсаткичлар,

№	Кўрсаткичлар	Биометри к кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				3	5	10	15
1	Умумий оксил г/л	м ±m %	70±0,9 100	75±0,6	77±0,8	73±1,0	71±1,1
				107,1	110	104,2	101,4
2	Албуминлар %	м ±m %	34±0,9 100	37±0,7	40±1,2	34±0,6	32±0,1
				108,8	117,6	100	94,1
3	α-глобулин %	м ±m %	21±0,1 100	20±0,3	20±0,4	22±0,6	23±0,1
				95,2	95,2	104,7	109,5
4	β- глобулин %	м ±m %	21±0,3 100	21±0,2	19±0,4	21±0,6	21±0,5
				100	90,4	100	100
5	γ –глобулин %	м ±m %	24±0,5 100	22±0,7	21±0,2	23±0,9	24±0,1
				91,66	87,5	95,8	100

- * Текширишлар бошида отлар қонининг оқсил спектори ўрганилганда назорат ва тажриба гуруҳларда даволанаётган ҳайвонларнинг кўрсаткичларида деярли фарқлар кузатилмаган бўлсада, тажрибанинг 5-чи кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан анъанавий усулларга қўшимча неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ҳар 48 соатда бир марта жами уч марта юборилган икинчи тажриба гуруҳдаги ҳайвонлар қонидаги умумий оқсил миқдорининг ўртача 7,2 % га , 10-чи кунда 11,5 %, 15-чи кунга келиб эса 2,8 % га кўпайганлиги кузатилди.
- * Альбуминларнинг ҳам тажриба давомида кўпайиши қайд қилиниб, бунда уларнинг тажрибанинг 5-чи кунда 8,5 % га, 10-чи кунда 14,2 %, 15-чи кунга келиб эса дастлабки кўрсаткичлар билан тенглашганлиги аниқланди(4-жадвал).

4– жадвал,

Тажрибадаги биринчи тажриба гуруҳ итларнинг қонидаги биокимёвий кўрсаткичлар,

№	Кўрсаткичлар	Биометри к кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				3	5	10	15
1	Умумий оқсил	м ±m	69±1,0	72±0,7	74±0,8	77±1,5	71±0,7
	г/л	%	100	104,3	107,2	111,5	102,8
2	Албуминлар	м ±m	35±1,0	36±0,8	38±1,0	40±1,5	35±1,3
	%	%	100	102,8	108,5	114,2	100
3	α-глобулин	м ±m	19±0,3	20±0,4	19±0,6	18±0,6	21±0,7
	%	%	100	105,2	100	94,7	110,5
4	β- глобулин	м ±m	21±0,6	22±0,7	20±1,3	20±0,6	21±0,9
	%	%	100	104,7	95,2	95,2	100
5	γ -глобулин	м ±m	25±0,5	22±0,6	23±0,8	22±0,1	23±0,2
	%	%	100	88,0	92,0	88,0	92,0

* **Ишнинг иқтисодий самарадорлиги.**

- * Хозирги замонда ветеринария хизмати чорвачиликдан юқори сифатли ва мўл маҳсулот олиш ёки хизмат ҳайвонларини соғлом ўстириш учун йўналтирилиши керак. Ветеринария тадбирларининг самарадорлигини иқтисодий анализ қилиш катта аҳамиятга эга, унинг асосида ҳайвонларнинг касалликларини ва ўлим билан тугайдиган ҳолатларини камайтириш, даволаш ишларнинг самарасини ошириш, касаллик вақтини кискартириш, чорвачилик, соғлом ҳайвонлар подасини ташкил қилиш ётади.
- * Ветеринария фаолияти йўналишларининг кўплиги, ветеринария тадбирларининг хартамонлама йўналиши, иқтисодий кўрсаткичлар системасини ташкил қилишини тақозо этади, бу эса ветеринария мутахассислари ишининг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради ва шунинг билан биргаликда ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш чора–тадбирларини ишлаб чиқишни асослаб беради.

* Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар

- * Хирургик касалликлар орасида туёқлар касалликлари купкорига катнашадиган отлар ичида кенг тарқалган (Х.Б.Ниязов ва бошқалар 1996, Н.Ш.Давлатов ва бошқалар 1996) бўлиб, бу патологиянинг келиб чиқишига асосан ҳайвонларни сақлаш ва озиклантиришдаги етишмовчиликлар (ҳайвонларни тикис сақлаш, купкори ўтказиладиган ерларнинг нотекислиги, туёқларни ўз вақтида тозалаб ва кесиб турмаслик, терининг мацерацияси), рационларнинг оқсиллар, углеводлар, витаминлар ва минерал моддалар бўйича номуносиблиги сабаб бўлади.
- * А.Я.Батраков (1980) маълумотига кўра оёқ касалликлари сутчилик хўжаликларида соғин сигирларнинг барча юқумсиз касалликларининг 20 фоизини ташкил этади.
- * Кейинги йилларда купкорига катнашадиган отлар ичида пододерматитнинг йирингсиз характердаги патологияси кўп учраб катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Шунга қарамасдан бу патологиянинг қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида тарқалиши, келтириб чиқарувчи минтақавий хусусиятларга эга бўлган минтақавий омиллар, ривожланиш хусусиятлари, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усуллари тўлиғича ўрганилмаган

* Хулоса

- * 1. Отларда учрайдиган сурункали асептик пододерматит касалликларини даволашда анъанавий усулларга қўшимча неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига юбориш яхши натижа берди, яъни назорат гуруҳидаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 13-16 кун давом этган бўлса, анъанавий усуллар билан даволаб қўшимча неон-гелий лазер нури билан нурлантирилган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига вена кон томирига қўллаганда орқали даволаш ўртача 10 - 11 кунни ташкил этди.
- * 2. Отларда учрайдиган сурункали асептик пододерматит касалликларини даволашда анъанавий усулларга қўшимча неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ҳар 48 соатда бир марта жами уч марта юборилган тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар қонида умумий оқсил миқдорининг ўртача 11,5 % га, альбуминларнинг 14,2 %, α -глобулинларнинг 10,5 % га кўпайганлиги ва β - γ –глобулинларнинг мос равишда 4,8% ва 8,0 % га камайганлиги намоён бўлди.

* Амалий тавсиялар

- * 1. Отларда учрайдиган сурункали асептик пододерматит касалликларини даволашда анъанавий усулларга қўшимча неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқондан 0,5 мл/кг тирик вазнига мускул орасига ҳар 48 соатда бир марта жами уч марта организмга юбориш;
- * 2. Отларда учрайдиган сурункали асептик пододерматит касалликларини профилактика қилиш учун фаол мацион, туёқларни ўз вақтида тозалаб, текислаб кесиб туриш каби профилактик мажмуани ўтказиш;





















!

**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ**